

САЙҚАЛИЙНИНГ "БАХРОМ ВА ГУЛАНДОМ" ДОСТОНИДА ФОЛЬКЛОР МОТИВЛАРИ ТАЛҚИНИ

Музаффар Раҳмонкулович МАМАТКУЛОВ

Филология фанлари номзоди, доцент

Гулистон давлат университети, Гулистон, Ўзбекистон

ТОЛКОВАНИЕ ВОПРОСОВ УСТНОГО НАРОДНОГО ТВОРЧЕСТВА В ПОЭМЕ САЙКАЛИ «БАХРОМ И ГУЛАНДОМ»

Музаффар Раҳмонкулович МАМАТКУЛОВ

Кандидат филологических наук, доцент

Гулистанский государственный университет, Гулистан, Узбекистан

INTERPRETATION OF FOLKLORE MOTIVES IN SAIKALI'S POEM "BAHRUM AND GULANDOM"

Muzaffar MAMATKULOV

Candidate of philological Sciences, Associate Professor

Gulistan State University

Gulistan, Uzbekistan mamatqulov73@mail.ru

JDC (УЎК, УДК): 398. 22(5)(043.3)

**For citation (иқтибос келтириш учун,
для цитирования):**

Маматкулов М. Р. Сайқалийнинг "Баҳром ва Гуландом" достонида халқ оғзаки ижоди масалалари талқини //Ўзбекистонда хорижий гиллар. — 2021. — № 1(36). — Б. 217–224.

<https://doi.org/10.36078/1619511351>

Received: January 04, 2021

Accepted: February 17, 2021

Published: February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақолада XVIII асрда яшаган Сайқалийнинг "Баҳром ва Гуландом" достонига мотивларнинг қўлланилишига кўра ўхшаш ўзбек халқ эртаклари қиёсий ўрганилган. Сайқалий ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўринга эга шоирлардан бири ҳисобланади. Шоирнинг бизгача етиб келган адабий мероси орасида "Баҳром ва Гуландом" достони алоҳида ажралиб туради. "Баҳром ва Гуландом" — ишқ-муҳаббат достони. Баҳром ва Гуландомнинг бир-бирига муҳаббати тасвири асосидаги воқеалар достон сюжетини ташкил этади. Халқ оғзаки ижоди анъаналари ва унинг ютуқлари "Баҳром ва Гуландом" достони яратилишида муҳим рол ўйнаган. Мақолада саргузаштнинг достон сюжетидаги ўрни, бош қаҳрамоннинг чексиз имкониятларга эгаллиги, афсонавий куч-қудрати ва қаҳрамонликлари кабилар "Баҳром ва Гуландом" достонини фольклор асарларига яқинлаштириши илмий-назарий жиҳатдан таҳлилга тортилган. Айниқса, Баҳром образи тасвирида Сайқалий фольклор қаҳрамонларига хос хусусиятлардан самарали фойдаланадики, бу шоирнинг ўзига хос маҳорати ҳамда оғзаки адабиёт намуналарини яхши билганлигидан далолат беради. Хулоса қисмида достон ва эرتак жанрларининг композицион қурилиши, образлари, фарзандсизлик, ов ва ғойибона ошиқ бўлиш мотивларининг муштарак қўлланиши, ўзига хос ғоявий-мавзувий йўналишга, ижтимоий-эстетик вазибаларга эгаллиги ҳақида умумлашма фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: эرتак; достон; образ; мотив; ғоя; сюжет; анъана; тажриба; фольклор; ёзма адабиёт.

Аннотация. Статья посвящена сравнительному изучению поэмы узбекского поэта, жившего в XVIII веке Сайкали, «Бахром и Гуландом» и некоторых узбекских народных сказок. Сайкали считается одним из поэтов, который занимает особое место в истории узбекской литературы. Трудно представить его творчество без эпических жанров. Среди дошедшего до нас литературного наследия поэта особо выделяется поэма «Бахром и Гуландом». «Бахром и Гуландом» — любовный эпос. События, лежащие в основе образа любви Бахрома к Гуландом, любви Гуландом к Бахрому, составляют сюжет эпоса. Особое место занимают приключения в эпосе, неограниченные возможности главного героя, который подчиняет себе гигантов во главе с Сайфуrom, победа принца над акулой в одиночку, легендарная сила и героизм, которая поражает зангов во главе с Бехзодом и Навшодом приближает эпос «Бахром и Гуландом» к фольклорным произведениям. В частности, Сайкали эффективно пользуется особенностями фольклорных героев при описании образа Бахрома, это говорит о высокой квалификации поэта и о том, что он был хорошо знаком с фольклором.

Ключевые слова: сказка; эпос; образ; мотив; идея; сюжет; традиция; опыт; фольклор; письменная литература.

Abstract. The article is devoted to the comparative study of the epic of the Uzbek poet of the XVIII century Saikali "Bahrom and Gulandom" and some Uzbek folk tales. Saikali is considered one of the outstanding poets of Uzbek literature. It is especially difficult to imagine his work without an epic genre. The poem "Bahrom and Gulandom" is worth highlighting among the extant literary heritage of the poet. "Bahram and Gulandom" is a love epic. The events based on the image of Bahrom and Gulandom's love for each other form the plot of the epic. Traditions of folklore and its achievements played an important role in the creation of the epic "Bahrom and Gulandom". The article analyzes the role of adventure in the epic plot, the protagonist's unlimited possibilities, the legendary power and heroism of the main character, who subdues the giants led by Saifur, the victory of the prince over the shark alone. The legendary strength and heroism that amazes the Zangs led by Behzod and Navshod bring the epic "Bahrom and Gulandom" closer to folklore works. In particular, Saikali effectively uses the features of folk heroes when describing the image of Fringe, which indicates the poet's unique skills and knowledge of oral literature. In the conclusion part, the ideas are generalized about the compositional structure of the genres of epics and fairy tales, the common use of images, childlessness, motives of hunting and unrequited love, having a specific ideological and thematic direction and socio-aesthetic functions.

Keywords: fairy tale; epic; image; motif; idea; plot; tradition; experience; folklore; written literature.

Кириш. Бахром Гўр сюжети билан боғлиқ турли жанрдаги оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарининг ўзбек адабиётида юзага келиши ўзига хос аънамага эга. Илм оламида Бахром образи мавжуд воқеаларнинг генезиси, вариантлари ва тарқалиши ҳамда уларни қиёсий ўрганиш борасида бир қанча илмий-назарий тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ Сайқалининг «Бахром ва Гуландом» достони фольклор аънаналари нуктаи назаридан етарлича ўрганилмаган. Сайқалининг

достонида халқ оғзаки ижоди намуналарининг мазмун-моҳиятини сингдиришни мақсад қилгани сезилади. Айниқса, достонда ўзбек халқ эртақларига хос бўлган бир қатор хусусиятларни кузатиш мумкинки, бундан шоирнинг оғзаки адабиёт ютуқларидан самарали фойдалангани аёнлашади.

Асосий қисм. Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достони халқ оғзаки ижоди намуналарида кўп учрайдиган фарзандсизлик мотиви билан бошланади. *Рум ўлкасининг бир подшоҳи бор эди. У жуда доно, ақлли, донишманд, халқ орасида ҳурмат-эътиборга эга киши бўлиб, мол-дунё ва хазиналари ҳисобсизлигига қарамасдан фарзанди йўқ эди:*

Бор эрди подшоҳи кишвари Рум,

Ажаб оқилу доно, хуш такаллум.

Кўп эрди мол ашёси жаҳонда,

Хазиналар қўйиб эрди ниҳонда.

Бериб эрди анга эзид Худованд,

Ки иззу, жоҳу нусрат ғайри фарзанд (5, 21).

Подшоҳнинг фарзандсизлиги кўпгина халқ эртақларида учрайдиган мотив саналади. Хусусан, “Қорасоч пари” номли эртақ ҳам шундай хабар билан бошланади: *“Қадим замонда, Шом мамлакатада бир подшоҳ бор экан. Хазинаси ҳаддан ташқари кўп бўлса ҳам, фарзанди йўқлигидан давлати татимай, доим ғамгин бўлиб юрар экан” (1, 232).*

Кўринадики, подшоҳнинг фарзандсизлиги ва доимо ғамгин ҳолда юриши ҳамда беҳисоб бойлик эгаси эканлиги ҳар иккала асарни бирига яқинлаштиради.

Подшоҳнинг фарзандсизлиги мотиви “Ялтиллама сопол товоқ”, “Сирли туш”, “Рустам”, “Шерзод ва Гулшод”, “Ҳасан ва Хусан”, “Моҳистара”, “Чўпон Али”, “Озодачехра” каби эртақларда ҳам учрайди. Бироқ улар ҳукмдорнинг фарзандли бўлиш учун қилган турли ҳаракатларига кўра бир-биридан фарқланади. Масалан, “Рустам”, “Сирли туш”, “Ялтиллама сопол товоқ”, “Шерзод ва Гулшод” каби эртақларда подшоҳ фарзанд кўриш учун ўз хоҳишига кўра ёки бошқаларнинг тавсияси билан яна бир бор уйланишни ихтиёр қилса, “Ҳасан ва Хусан”, “Чўпон Али”, “Моҳистара”, “Озодачехра” каби эртақларда эса ҳукмдорнинг сабр-тоқат билан узоқ вақт кутиши натижасида фарзанд дунёга келади.

Сайқалий ҳам эртақлардаги каби подшоҳнинг фарзандли бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Достонда тасвирланишича, подшоҳ Тангридан фарзанд сўрарди, бечораларга хайр-эҳсон қиларди, муҳтожларга ёрдам берарди. Шу ишлар билан қирқ ёшга етганда, Яратган раҳм қилди ва унга бир фарзанд ато қилиб, хурсандчилигига сабаб бўлди:

Агарчи дунёлигдин эрди бе ғам,

Тилоди Тангридин фарзанд дамо-дам.

Фақирларга қилурди хайру эҳсон,

Қилиб фарзанд учун жонини қурбон.

*Бу орзу бирла ёши қирқда етти,
Билохир, Тангрим анга раҳм қилди.*

*Ато қилди анга бир олий фарзанд,
Кўруб фарзандини кўб бўлди хурсанд (5, 21).*

Демак, узоқ вақт кутиш ва сабр-тоқат ҳукмдорни юқорида тилга олинган иккинчи гуруҳ халқ эртақларидаги подшоҳлар образига яқинлаштиради. Умуман олганда, эртақларда фарзандсизлик мотиви фақат подшоҳ образи билан чегараланмайди. Ўзбек халқ эртақларини кузатиш бу мотив орқали турли тоифадаги одамлар камраб олинганлигини кўрсатади. Улар орасида чол-у кампир, бой ва савдогар каби образлар ҳам етакчилик қилади. Фақат улар фарзандли бўлиш ҳолатлари ҳар хил эканликлари билангина ажралиб туради. Масалан, “Соҳибжон билан Аҳмаджон” эртагида чол ва кампир фарзанд сўраб, Худога муножот қилиб ёлворади ва ниятларига эришади. “Бўз бола” эртагида айтилишича, бойнинг фарзандли бўлиш йўлида “*сигинмаган мозори, мадад тиламаган азиз-авлиёлари қолмабди*”. “Кулса — гул, йиғласа — дур” эртагида эса чолга Хизр алайҳиссалом йўлиқиб, бир қизил олма беради. Қизил олманинг ярмини чолнинг ўзи, ярмини эса кампири ейди. Анча вақт ўтгандан кейин улар қизли бўлишади.

“Баҳром ва Гуландом” достонида тасвирланишича, подшоҳ фарзандли бўлганидан сўнг суюнганидан тўю томошалар қилиб, кўпчиликка совғалар бериб, хурсандчилик қилади. Ўғлига Баҳром деб исм қўяди. У 6 ёшга тўлганда мактабга беради, шахзода 12 ёшида сипоҳийликни ҳам ўргана бошлайди. Ҳукмдор Баҳром 18 ёшга киргач, сарой аҳлини йиғиб, ўғлига тахтга ўтиришни таклиф этади. Бирок шахзода бу ёшда давлатни бошқаришни хоҳламайди:

*Деди: “Эй шахрёрини номдори,
Азиз жоним қадам хокинг нисори.*

*Ҳаётинг борича сан шоҳ бўлгил,
Улу рутба Фаридун жоҳ бўлгил” (5, 24).*

Сайқалий воқеалар баёни давомида халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, эртақларда кўп кузатиладиган бош қаҳрамоннинг овга чиқиши ва ов жараёнида учрайдиган қизиқарли воқеалар тасвирига ўтади. Ов – бадий ижодда ўзига хос бадий восита ҳисобланади. Бош қаҳрамоннинг ҳаётида рўй берадиган кейинги ўзгаришлар, турли синовлар ҳам айнан ов орқали амалга оширилади. Масалан, “Шерзод ва Гулшод” эртагида ҳам ов билан боғлиқ воқеалар тасвири берилади. Унда айтилишича, *подшоҳ кунлардан бир куни лашкарлари билан овга борибди. Ов вақтида тўқайдан бир шер чиқибди. Уни тириклайин тутушимоқчи бўлишибди. Шерни овлаш эпизоди “Баҳром ва Гуландом” достонида ҳам учрайди. Шахзода Баҳром навкарлари билан ов қилиб юрганда, уларга баҳайбат бир шер йўлиқади. Шунда Баҳром паҳлавонларига шерни якма-*

якка жангда енгишни буюради. Бироқ бунга ҳеч ким ботинолмайди. Шундан сўнг шаҳзоданинг ўзи шер билан олишади:

*Кўториб шер ул дам икки илжин,
Ўзин шаҳ устига ташлади ул ҳин.*

*Ки шаҳ ҳам бўлди ерга рад берибон,
Ўтуб кетга анда шери гуррон.*

*Югуриб кейнидин шаҳзода ул дам,
Солиб қўл қуйругидин тутди маҳкам.*

*Кўториб бошига ердин ким они
Анга Рустамлигу соҳибқирони.*

*Ўгуриб бошидин бир неча навбат,
Ки чулғаб ерга урди бо сиёсат.*

*Ки синди зарбидин шер устихони,
Бўлубон майда-майда, чиқти жони (5, 26).*

Бош қаҳрамоннинг шер билан жангдаги ғайритабиий хатти-ҳаракатларида ҳам фольклорга хос хусусиятлар акс этганлиги кўриниб турибди. Баҳром эртак ва достонларнинг бош қаҳрамонлари каби инсон ақл-заковатига қарши турувчи ёвуз кучлар билан шиддатли ва мардонавор курашиб, улар устидан ғалаба қозонади, инсон ақлу заковатию куч-ғайратининг енгилмас қудратини намойиш этади. Хусусан, “Моҳистара” эртаги қаҳрамони шаҳзода Шавкат аскарлари билан овга чиқади. Шикорнинг тўртинчи куни мерганлари билан ғоз овлаб юрганда, қаршисидан бир ажойиб кийик чиқади. Кийикнинг тўртала оёғидаги туёғи ҳам садафдан, ҳар бир оёғида иккитадан саккизта олтин халқаси бор экан, икки шохига олтин, қумуш, марварид ва гавҳардан нақшлар ўйилган. Шаҳзода кийикни тирик тутмоқчи бўлибди. Аскарлар кийикнинг атрофини қуршаб, секин-секин доирани торайтириб борибдилар. Охири доира кичрайиб, кийикка яқин келиб қолганда, кийик бир ирғиб шаҳзода Шавкатнинг оти сағрисига тушибди, ундан яна бир ирғиб сафдан ташқарига чиқиб тоққа қараб чопиб кетибди. Шаҳзода кийикни қочириб юборганидан уялиб, уни ушлаб келиш учун якка ўзи от қўйиб кетибди. Айнан овланаётган ҳайвоннинг бош қаҳрамоннинг олдидан ўтиб қочиб кетиши ҳодисаси “Шерзод ва Гулшод” эртагида ҳам учрайди. Подшоҳ Ҳуршоднинг ўзи ҳам лашкарлар билан бирга каманднинг бир учини ушлаб, шерни тутишга киришибди. “Лашкарлар каманд тутиб шерни ўртага олибдилар. Бечора шер ўртада нима қилишини билмай, жон талвасасида югуриб юриб, каманднинг бир учини ушлаб турган Ҳуршод подшоҳни бир уриб ағдариб, қочиб кетибди. Аскарларига: “Агар қочсангиз жазолайман” деган Ҳуршод

подшоҳ нима қилишини билмай, газаб билан отига миниб, шерни қувлаб кетибди” (2, 144–145).

Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достони қаҳрамони Баҳром шерни енгандан сўнг уни отасига совға сифатида юборади ва ўзи эса ов қилишда давом этади. Йўлида бир чиройли кийик учрайди. Уни тириклайин тутмоқчи бўлади. Кийик қочаверади, шаҳзода қуваверади. Бу орада лашкар ҳам адашиб, шаҳзодани йўқотиб қўяди. Ниҳоят кеч киради, шаҳзода Баҳром қайси манзилда эканлигини ҳам билмайди:

*Таажжуб жой эдиким, ваҳми бисёр,
Ки одам наслидин ўзга ҳама бор.*

*Эди бир ёни дарёи муаззам,
Яна бир ёни бир кўҳ баланд ҳам.*

*Ғалогуллар келурди ҳар саридин,
Хуфилу, бабру, карку, дев паридин.*

*Эшитиб шоҳким таҳсин этарди,
Кўзидин уйқуси кўчиб кетарди (5, 27–28).*

Айнан мана шу эпизод “Моҳистара” эртагидаги кейинги тасвирларга жуда ўхшайди. Эртақда айтилишича, шаҳзода Шавкат ўрмонзорни кидира-кидира кийикни тополмайди. Кеч бўлиб қолади. Отини ўтлаши учун қўйиб юборади, ўзи эса ухлашга ётади. Шаҳзоданинг кўзи эндигина илинган экан, ваҳимали овоздан уйғониб кетибди. “*Уйғониб қараса, ҳар тарафдан ҳар хил қўрқинчли овозлар келди; бу ўрмонзорда ҳар турли йиртқич ҳайвонлар бор эди, улар кечалари ҳар тарафни овлаб, бақириб-чақириб юрар эди. Шавкатнинг қулогига эшитилган айиқ, шер, йўлбарс, бўриларнинг овозлари ҳамма ёққа даҳшат солар эди. Шунда Шавкатнинг кўзидан уйқу қочди ва “балодан ҳазар” деганларидек, катта бир дарахтнинг тепасига чиқиб кетди, оти пастда қола берди” (2, 33).*

Кўринадики, шер ови тасвири “Шерзод ва Гулшод” эртаги ҳамда “Баҳром ва Гуландом” достонини бир-бирига яқинлаштиради. Эртақдаги шернинг бош қаҳрамоннинг олдидан қочиб кетиши ҳодисаси “Моҳистара” эртаги бош қаҳрамонидан кийикнинг қочиб кетишига ўхшайди. Иккала эртақда ҳам бош қаҳрамонлар уялганларидан овланиши лозим бўлган ҳайвонларни ёлғиз ўзлари қувиб кетишади.

Эртақ нисбатан кичикроқ ва ихчамроқ жанр бўлгани сабабли ундаги кўпинча ов ҳолати тасвирида битта ҳайвонни тутиш эпизоди билан чегараланилади. Достонда эса ов жараёни кенгрок берилади. Масалан, шер овидан сўнг кийик овига ўтилади. Бу ҳам достонда ўзига хос эстетик вазифа бажаради. Шерни овлаш жараёнида Баҳромнинг қандай куч-қудратга эгалиги тасвирланса, кийик ови янги саргузаштларнинг бошланиши учун туртки бўлади.

Баҳром ваҳимали кечани ўтказгандан сўнг бир ҳафта кийикни излабди. Саккизинчи куни эса бир тоққа етиб борибди. Тоғда хуш

манзарали боғу бўстонлар кўп экан, чаманда булбуллар сайрарди, турли мевалар фарқ пишган, атроф — гўзал. Томоша қилиб юриб, Баҳром бир гумбазга бориб қолибди. Отдан тушиб, унга кирибди. Ўртада бир тахт турармиш:

*Ки ул тахт устига бир қизни кўрди,
Юзи гул лаблари қирмизни кўрди.*

*Қайилгон қошлари, кўзлар чу бодом,
Анга боқти ва ҳайрон бўлди Баҳром.*

*Яқинлаб борди анга сўз қотай деб,
Агар уйқуда бўлса уйготай деб.*

*Кўрарким, жони йўқ сурат эрур ул,
Агарчи сурат ул, олдирди кўнгул (5, 2930).*

Сурат орқали ғойибона ошиқ бўлиш мотиви оғзаки адабиётда кўп учрайдиган ҳодисалардан бири саналади. Сайқалий дostonда сурат бадий деталдан унумли фойдаланиб, бош қаҳрамонни янги саргузаштлар сари бошлашда давом этади. Бунда унга яна оғзаки ижод анъаналари ёрдам беради. Хусусан, “Моҳистара” эртагидаги сурат деталлари ҳам худди шундай вазифа бажаради. Эртақ қаҳрамони шаҳзода Шавкат сурат орқали Моҳистарага ошиқ бўлиб қолади ва уни излаб, узок ҳамда машаққатли йўлга отланади. “Камбағал қиз” номли эртақда эса подшоҳзоданинг хотини эрига бир қутидан қоғоздаги қизнинг суратини олиб кўрсатади. Суратдаги соҳибжамол қизни кўрган подшоҳзода унга ошиқу беқарор бўлиб қолади. Ғойибона ошиқ бўлиш мотиви ўзбек халқ эртақларида фақат сурат орқалигина юзага келади, дейиш тўғри бўлмайди. Чунки бу мотивнинг қаҳрамоннинг соҳибжамол қиз ёки малика ҳақидаги хабарни эшитгани ҳолда севиб қолиши каби кўриниши ҳам учраб туради. Хусусан, “Ҳасан ва Ҳусан” эртагида бунинг кузатиш мумкин. Эртақ қаҳрамони Ҳасан Бухоро шаҳри кўчаларидан бирида одамларнинг ваҳима билан ҳар томонга қочаётганларини кўрибди. Кампирнинг айтишича, бунинг сабаби куйидагича экан: “*Бухоро хони – Усмонхоннинг яккаю-ягона Моҳинбону исмли чиройли қизи бор. У ҳафтада бир марта безатилган туяда соқчилар билан ҳаммомга боради. Юзига етти қават парда тутилганига қарамай, кимки унга қараса, хон: “Сен нима учун номаҳрам кўзинг билан менинг қизимга қарайсан?” деб шу кишини ўлимга буюради. Шу сабабли одамлар қочадилар, — дебди. Ҳасан бу сўзни эшитиши билан Моҳинбонунини кўрмай, ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Овқат ҳам емай, бир неча кун ичида бир неча ой касал ётган бемордек озиб қолибди*” (2, 137).

Кўринадики, бу адабий ҳодиса халқ оғзаки ижоди намуналарининг ажралмас бир қисми сифатида халқ эртақлари ва дostonлари композициясидан муносиб ўрин эгаллаган.

Суратдаги қизнинг кимлигини аниқлаш Баҳром учун энг асосий вазифага айланади. Ҳайрону лол бўлиб, қаерга боришини билмай

турганда, ёнига ёши улуғ бир чол келади. Чол билан суҳбат давомида шаҳзода сурагдаги қиз Чин хоқонининг қизи Гуландом эканлигини аниқлайди. “Моҳистара” эртагида ҳам шаҳзода Шавкат ўзи кўрган сурагдаги қизнинг кимлигини чол орқали билиб олади. Демак, чол образи эртақда ҳам, дostonда ҳам бир хил вазифа бажаради.

Хулоса. Эртақ оғзаки адабиётда энг кўп ва кенг тарқалган оммавий жанрлардан бири ҳисобланади. Эртақ қаҳрамони бир эзгу мақсад йўлида ҳаракат қилади ва уни амалга ошириш учун қанча тўсиқларни енгиб ўтади, турли хил синовларга бардош беради ва ниҳоят ўз орзусига эришади. Ўзбек халқ эртақларига хос бўлган бундай хусусият “Баҳром ва Гуландом” достони ҳамда унинг бош қаҳрамони бўлган Баҳром образида ҳам кузатилади. Баҳром – ишқига садоқатли йигит. У фақат Гуландом васлига етишиш билангина ўз бахтини топиши мумкин. Шу сабабли ҳам у сабр-тоқат билан малика Гуландомнинг ишончига эришиш ва унинг муҳаббатини қозониш учун ҳаракат қилади. Бу йўлда у ҳар қандай қийинчиликларга чидайди, молу мулк, ҳаттоки, шаҳзодалиқдан воз кечиб, оддий қаландарлик йўлини танлайди. Ошиқлик Баҳромни маънавий жиҳатдан улғайтиради, ота-онаси ва юртига бўлган муҳаббатини янада оширади, бир лаҳза бўлса-да, Рум мамлақати ва яқинларини унутмайди. Бундан ташқари эртақларда кузатиладиган доимо воқеаларнинг яхшилик билан тугаши, эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги курашда ҳар доим ижобий кучларнинг ғалаба қозониши, бош қаҳрамонларнинг орзу-истаклари рўёбга чиқиб, бахтли ҳаёт кечиришлари каби хусусиятлар ҳам “Баҳром ва Гуландом” достони композициясига муваффақиятли тарзда сингдирилган десак, муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. — Тошкент: Фан, 1960. — 224 б.
2. O‘zbek xalq ertaklari. III jildlik. I jild. — Toshkent: O‘qituvchi, 2014. — 384 б.
3. O‘zbek xalq ertaklari. III jildlik. II jild. — Toshkent: O‘qituvchi, 2014. — 384 б.
4. O‘zbek xalq ertaklari. III jildlik. III jild. — Toshkent: O‘qituvchi, 2014. — 384 б.

References

1. Saikalii. *Bahrom va Gulandom* (Bakhrom and Gulandom), Tashkent, 1960, 224 p.
2. *Uzbek khalq ertaklari* (Uzbek folk tales), Volume III. Vol. I. Tashkent, 2014, 384 p.
3. *Uzbek khalq ertaklari* (Uzbek folk tales), Volume III. Vol. II. Tashkent, 2014, 384 p.
4. *Uzbek khalq ertaklari* (Uzbek folk tales), Volume III. Vol. III. Tashkent, 2014, 384 p.